Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 10 СЕНТЯБРЬ, жума, № 67 (6.023). Сотувда эркин нархда

2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

* * *

1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни

ОНА ВАТАНИМИЗНИ ЁМОН КЎЗЛАРДАН АСРАЙМИЗ!

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда

Жиноий тўдалар Қирғизистон ҳудудига дастлаб август ойининг бошида бостириб кирган эди. 20 кишидан сал ортиқ бўлган диверсиячи-террорчилар гуруҳи 5 кишини гаровга олиб, Ўзбекистон ҳудудига тўсиқсиз ўтиш имконини яратиб бериш ҳақида шарт қўйди.

Шу пайтдан бошлаб минтақадаги вазият тобора кескинлаша борди. Тожикистон ҳудудидан Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларига янги-янги диверсион террорчилар гуруҳи кириб кела бошлади.

Жиноятчилар диверсия-террорчилик фаолиятининг энг синалган усулларини қўлламоқда. Улар кўприклар, мактабларни портлатмоқда, маҳаллий аҳолига зўравонлик қилмоқда. Ўнлаб кишини гаровга олган. Гаровга олинганлар орасида Япониянинг 4 фуқароси, Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони бор.

Кейинги воқеалар ривожи таҳлили гап айрим диверсион, террорчилик ҳаракатлари устида эмас, экстремистик кучлар, бир қанча ислом давлатларининг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолиятида эканини кўрсатмоқда.

Қирғизистонда ўрнашиб олган жангарилар, улар ортида турган экстремистик кучлар, шу жумладан Афғонистон Ислом Давлати ва Тожикистон Республикасидаги ана шундай гуруҳлар ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида ихтилоф келтириб чиқариш, Ўзбекистоннинг ўзида ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда диверсион-террорчилик ва бузғунчилик ишларини амалга ошириш учун таянч базалари, лагерлар, плацдармлар ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий хатти-ҳаракатларини уюштирмоқда.

Шу нарса аниқландики, жангариларнинг ҳаракат йўналишлари, уларнинг база ва лагерларининг жойи илгаридан, сўнгги 2-3 йил мобайнида белгилаб олина бошланган.

Жангариларнинг бузғунчилик фаолияти миқёсининг тобора кенгайиб

(Давоми 2-бетда)

МИЛЛАТНИНГ ШОДЛИГИ —ВАТАНГА ҚУВВАТ

1 сентябрь куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидаги байрам шодиёналарини ойнаи жаҳон орқали кузатар эканман, қувонганимдан кўзларимга тўхтовсиз ёш келди. Санъаткорларимизнинг мустақиллигимизга аталган куй ва қўшиқлари жонларга ҳузур бахш этди.

Биламан, пойтахтимизда ҳам, республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам байрам шукуҳи давом этмоқда. Бу байрам бизга жудаям ярашади. Ойлаб ҳурсандчилик қилишимизга арзийди. Шунинг учун ҳам миллатнинг шодлиги — Ватанга қувват дейдилар.

Ҳақиқатан ҳам биз Худонинг назари тушган миллатмиз. Толейимиз янада баланд бўлиши табиий. Шунингдек, эртамизнинг қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ. Бириксак, бир ёқадан бош чиқариб яшасак, асло ютқазмаймиз. Шу азиз Ватан шодлигини асраш учун ҳамиша сергак, сафарбар бўлишимиз лозим.

Абдулла ХАЙРУЛЛАЕВ
Зарбдор тумани

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ота-онам, улар тенги одамлар ҳатто хаёлига келтиролмаган бахтга мен мушарраф бўлдим. Чунки у пайтларда бошқа давлатларга бориш, ўқиб билим доирасини кенгайтириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Айниқса, оддий одамлар фарзандлари буни ҳатто тасаввур этмасдилар. Қарши шаҳридаги 1-гимназиянинг ўнинчи синфида ўқиётганимда иқтидорли ўқувчиларни АКСЕЛС дастури асосида ўтказилган синовларни муваффақиятли топшириб, ўқишни АҚШнинг Техас штати Сан-Антонио шаҳрида давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдим.

Мен Ўзбекистон фарзанди эканимдан беҳад шодман. Чунки шу мустақил юрт ривожланган мамлакатда таҳсил олишимга йўл очди. Ҳамма имкониятларни яратди. Шундай экан, Ватанимнинг осудалиги, равнақи, янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилиш менинг ҳам шарафли бурчим.

Комила СУЛТОНОВА.

ИШОНЧ ЭЪТИҚОД НАМОЙИШИ

Мустақил диёримизда истиқлол байрами зўр шодухуррамлик билан, кўтаринки руҳда нишонланди. Гарчи байрам ўтган бўлса-да, биз бир неча кундирки байрам шодиёналари руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Мен ойнаи жаҳон орқали Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг Мустақиллик майдонидаги тантаналарни томоша қилиб, ҳурматли юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган улуғ ишлар ўз самарасини бераётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Энг муҳими, одамларимизда республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг эртасига ишончи, эътиқоди янаям мустаҳкамланиб бораётганлигига иймон келтирдим. Айниқса, ёшларимизнинг мустақилликка бўлган ишончига кишининг ҳаваси келади. Беихтиёр хаёлимдан ким эдигу, ким бўлдик, деган савол ўтди. Ўтган саккиз йил ичида юртимизда 80 йилга татийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон аграр республикадан саноати тараққий этган, жаҳонга юз тутаётган қудратли давлатга айланиб бормоқда.

Қатрада қуёш акс этганидек, юртимиздаги истиқлол йилларидаги ўсиш, ўзгаришларни бизнинг Чуст шаҳри, қолаверса, ўзим меҳнат қилаётган мўъжазгина жамоа мисолида яққол кўриш мумкин. Байрам куни шаҳримизда замонавий қурилиш коллежи тантанали суръатда фойдаланишга топширилди. Янги тижорат бозори, тўртта савдо дўкони ишга тушди. Бизнинг босмахонамизда 8 йил ичида кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Қўшимча тўртта ишлаб чиқариш цехи маҳсулот бера бошлади. Ўн иккита янги дастгоҳлар ўрнатилди. Шу жумладан, рангли офсет усулида маҳсулот ишлаб чиқариш, компьютер жорий қилинди.

Шукурхон ҳожи ТОШХЎЖАЕВ,
Чуст шаҳри босмахонаси директори.

ЧЕГАРАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳри Қирғизистон Республикасининг Қадамжой тумани билан бевосита чегарадош. Ташвишли воқеалар содир бўлаётган Чўнг-Олот туманига борадиган ягона йўл ҳам шу ердан ўтади.

Айни кунда Қувасой шаҳри ички ишлар бўлинмаси ходимлари ички қўшинлар аскарлари билан ҳамкорликда Қирғизистоннинг Жанубий ҳудудлари билан чегарадош барча йўлларни назорат қилиб турибди. Асосий ва тармоқ йўлларда, шунингдек сўқмоқларда муқим ва ёрдамчи назорат постлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тинч аҳолининг чегарадан утиб-қайтишига тусиқ йўқ.

Чегарада турган аскарларимизнинг руҳи тетик, улар хизматни аъло даражада ўташлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Асосий йўлларни назорат қилиб турган «Полмон» ва «Носиробод» чегара постларининг посбонлари нафақат Ўзбекистонлик, балки Қирғизистонлик фуқароларнинг ҳам осойишталигини сақлаб турибди, дейиш мумкин.

— Биз аввало ўзимизнинг халқимизга ишонамиз ва суянамиз. Чунки аҳоли бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турмаса, барча саъй-ҳаракатларимиз натижасиз кетиши мумкин, — дейди милиция кичик сержанти Абдуқодир Ўсмонов. — Чегарадан ўтмоқчи бўлган шубҳали шахсларни аниқлашда оддий фуқаролар яқиндан ёрдам бермоқда. Юртимиз тинчлигини бузишни истаган диний экстремистлар ва уларнинг ҳомийлари халқимиз орасидан ўзларига ҳамфикр тополмаслигига ишончим комил. Бинобарин, ёвуз кимсалар хомтама бўлмасинлар, улар қабиҳ ниятларини ҳеч қачон амалга оширолмайдилар.

М.НОМОЗОВ,
Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари
Фарғона вилояти

САЙЛОВОЛДИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Республика Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Журналистлар ҳузурида Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов чиқиш қилиб, комиссия фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат эканини, сайловларни ҳозиржавоблик билан ҳаққоний, холис, очиқ ва ошкора ёритиш мақсадида журналистларга барча қулайликлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

Сешанбадан жумагача

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

+ Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Шунга кўра республика ҳудудидаги 14 та округ сайлов комиссиялари тузилиб, таркиблари тасдиқланди.

Шунингдек, сайловларда қатнашувчи номзодларга тенг шароитларни таъминлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

+ Сирдарё туманидаги Қамаристон маҳалласида яшовчи тожик миллатига мансуб фуқаролар юртимиздаги аҳиллик, тинчлик, фаровонлик учун республика Президентига миннатдорлик мактуби йўллагандилар.

Яқинда давлатимиз раҳбаридан олинган жавоб мактуби маҳаллада тантанали суратда ўқиб эшиттирилди. Маҳалла аҳли бунга жавобан юртимиздаги осойишталикни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшажакларини изҳор этдилар.

+ Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида пойтахт кўчаларида йўловчилар учун олиб келинган янги «Мерседес» автобуслари тақдимоти бўлди. «Даймлер-Крайслари» концернининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари. У. Фишер сўзга чиқиб ушбу автобусларнинг афзалликлари ҳақида гапирди.

+ Шаҳрихонлик акаука тадбиркорлар Комилжон ва Қобулжон Отахоновлар ўз маблағлари ҳисобидан 420 ўринли мактаб қуриб беришди. Мактаб очилиш маросимида сўзга чиққан республика Олий Мажлиси Раиси ўринбосари А. Қосимов ва бошқалар ушбу ташаббус кенг қўллаб-қувватлашга молик эканлигини таъкидладилар.

+ Хитойда оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионати мусобақаларида ўзбекистонлик полвонлар вазн тоифалари бўйича 9 та олтин медални қўлга киритишди.

Аргентинада таэквандо бўйича бўлган жаҳон биринчилигида юртдошларимиз Элмурод Нурхонов, Леонид Ли ва Алефтина Ким чемпион бўлишди.

Яхши хабарлар

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Бу йил Қорақалпоғистон пахта далаларида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил тўпланди. Камида 315 минг тонна хирмон уюшни ният қилган деҳқону механизаторлар йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юборди.

Янги ҳосилни қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш қандай ташкил этилади?

— Бу борадаги барча ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилмоқда, — дейди «Қорақалпоқпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари К. Раҳимов. — Янги ҳосилни 9 та пахта тозалаш корхонаси, 50 та пункт бетўхтов қабул қилиб олади.

Пахтани қайта ишлашда юқори сифат ва самарадорликка эришиш мақсадида Манғит, Хўжайли, Беруний пахта тозалаш заводларида қисқа муддатда реконструкция ишлари амалга оширилди. Пахта тозалаш цехлари кенгайтирилди. Хўжайли заводида эса янги пахта тозалаш цехи қурилиб, жин цехига линтер ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда бирлашмамиз ходимлари янги ҳосилни ўз вақтида қайта ишлаб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга шай бўлиб турибди.

ТЕРИМЧИЛАР ДАЛАГА ЧИҚДИ

Навбаҳор туманидаги «Зарафшон» хўжалиги пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта теримга киришдилар. Улар бу йил 720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «Оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Ҳозир кунига йиллик режани 5-6 фоизи миқдорида пахта топширилмоқда.

Далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилгани, теримчилар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинаётгани муваффақият гарови бўлмоқда.

(ЎзА).

ЗАМОН ИЗЛАНГАННИНИ

ҚЎЙНИНГ БАРАКАСИ ТУЁҒИДА...

Тажрибали чўпонлар чорва барокати яйловда, деб бекорга айтишмаган. Зеро, бугунги ҳисоб-китобларга амал қиладиган бўлсак, битта қўйнинг меъёрида ўтлови учун тўрт гектар яйлов ер керак бўлади. Яна шуниси ҳам борки, Ўзбекистон шароитида чорва кам деганда тўққиз ой яйловда боқилади. Лекин шунга қарамай ҳамон чорвачилик энг оғриқ нуқталардан бири бўлиб қолаётир. Нега?

— Яйловларимиз тор, ўт-ўланлар май ойининг ўрталаридаёқ қуриб қолади, — дейди Оҳангарондаги «Ангрен» ширкат жамоасининг бош чўпони Турсунбой Қурдошев. — Масалан, Оқчасой яйловидаги Тарновсой ёқаларини олинг. Бу ерда жаъми икки мингдан ортиқ қўй-эчкилар бор. Шунча мол бир марта ўтган яйловда ўт қоладими?

Иккинчидан, қўйларни семиртириш, қишдан соғлом ва бақувват олиб чиқиш учун уларни икки маҳал кам деганда уч

(Давоми 2-бетда)

УНИ «ДОН КИХОТ» ДЕЙИШАДИ

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР!

Сарлавҳани ўқиб асло ажабланманг. Бу ўша бир маҳаллар «Дон Кихот» номини олган Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги Ёшларобод қишлоғида яшаб келаётган ажойиб инсон Ҳусанбой Каримовдир. У ҳақда бир-иккі оғиз фикр юритгимиз келди. Албатта бунинг боиси бор. Боиси... Буни кейинроқ айтамиз.

Бир оддий қишлоқ йигити ўз ҳаёти давомида қатъиятли, ташкилотчилик, ишбилармонлик фазилатлари билан кенг жамоатчилик тилига тушганди. Бу инсон бутун меҳнат фаолияти давомида эзгулик учун курашди, халқ ғами ва ташвиши билан яшади. Бунга Фарғона туманидаги Ёшларобод қишлоғини ташкил этиш, уни обод ва кўркам қишлоқлардан бирига айлантириш мисолидаги меҳнатлари ҳам ёрқин мисол бўла олади. Ҳозирги кунда бу қишлоқ табиий газ билан таъминланган. Ичимлик сувга эга, барча маиший хизмат кўрсатиш пунктлари муҳайё.

Саксонинчи йилларда Фарғона тумани «Водил» футбол жамоаси учун Ёшларобод қишлоғида катта спорт мажмуи қуриб битказилди. Шу баҳона кенг қўламда ободонлаштириш ва кўркамлаштириш ишлари бажарилган. Ана шу хайрли ишларда ҳам Ҳусанбой Каримовнинг муносиб ҳиссаси бор. Буни ёшлароблиқлар ҳали-ҳануз гапириб, эслаб юришади.

Шу қишлоқ ҳудудида янги ташкил этилган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автокорхонасининг жўшқин фаолияти Ҳусанбой Каримовнинг номи билан узвий боғлиқ. Бу ерда у ҳақиқий жонбозлик кўрсатди., деган муболағани фахр билан айтишни истардик. Барча қулайликларга ва имкониятларга эга бўлган

(Давоми 2-бетда)

ТААССУФ

«ИККИНЧИ ОЙЛИК»

Бир ўртоғим бор. Қадрдонмиз. Олдин-кетин олий ўқув юртини тугатгандик. Яқинда уйга пича отиб олиб келибди. Қарангки, у ҳаётдан бутунлай норози. Тўғриси, уни ҳеч бундай ҳолатда кўрмаганман.

— Бизнинг кунимиз ойликка қолган, — дейди у. Дўстим қонунсиз бойлик тўплаш, худбинлик тўғрисида насиҳатгўйликдан иборат бир нечта мақоллардан мисоллар ҳам келтирди.

Ҳайрон қолдим. Кечагина, таниш-билишчилик билан ўқишга кириб қолган бир танишимизга «сен отангнинг пули билан ўқиб юрибсан» деб кун бермай юрган дўстимнинг бугунги фалсафаси! Кечагина талабалик кезидаги йўл қўймаган «гурур» бугун уни не кўйларга

(Давоми 2-бетда)

ВАЪДА ЧАНҚОҚНИ ҚОНДИРМАЯПТИ

ХАТ ТАҲРИРСИЗ БОСИЛМОҚДА

Муҳтарам бош муҳаррир!

Биз жиззах вилояти Зомин туманининг Ҳайиткултепа қишлоғидан арзи ҳол қилмоқдамиз. Гарчи олдинги шикоятларимизга ҳеч ким қулоқ солмаган, биронбир шафоат бўлмаган эса-да, «Қишлоқ ҳаёти»дан нажот кутиб, мурожаат этишга қарор қилдик.

Қишлоқда 70 дан ортиқ хўжалик истиқомат қилади. Ҳамма теваракдаги қишлоқларда тоза сув муаммоси ҳал бўлган. Биздан бир чақирим қуйидаги Ўртақишлоқда ҳам, Сўримозор ва Ўрол қишлоқларида ҳам артезиан қудуқлари қазилган. Лекин бизнинг қишлоқ қуриб-қақшаб ётибди. Халқ ҳовузларга қуйиладиган-ган, 30-34 кунда бир марта навбат билан келадиган сарғайиб, кўкариб кетган сувни ичишга мажбур.

Имкони бор кишилар цистерналарда 6-7 км. жойдан сув олиб келиб ичишади. Бундан ташқари, ҳамманинг томорқаси, бир неча йил мобайнида етиштирган дов-дарахтлари бор. Еримиз тошлоқ. 30-40 кунда бир сув навбати келади: ур-сур, талаш. Ҳозир қуриб кетган дарахтларни кўрсангиз раҳмингиз келади. Ер солиғи тўлаймиз, лекин шу ерда тўрт жўяк помидор, бошқа кўкатлар етиштириб баҳраманд бўлмаганлигимиздан кейин алам қилар экан.

Биз аҳволимизни баён қилган шикоятимиз 1998 йил 4 июлда «Ўбекистон овози» газетасида босилган эди. Лекин ҳеч бир ўзгариш бўлмади.

Муҳтарам Президентимиз республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида тарихий фармон чиқарганидан ғоят хурсандмиз. Сув масаласига ҳукумат қўламида яна эътибор берилди, деб хабар топдик. Бу тадбирлардан, айниқса, Президентимизнинг халқ турмушини яхшилаш ҳақидаги ғамхўрликларидан ғоят миннатдормиз.

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА: Эрк манзаралари | Лабиҳовуз гурунглари | Номус

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

(Боши 1-бетда)

бориши ҳам эътиборни тортади. Боткент туманига бостириб кирган жиноятчилар тўдаси дастлаб 21 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, Боткент ва Чўн-Олой туманларида энг замонавий қуролларга эга, Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги турли террорчилик марказларида тайёргарлик кўрган жангариларнинг сони, турли маълумотларга қараганда, 400 дан 700 кишигача етади. Улар чиқиш қийин бўлган тоғли жойларга ўрнашиб олиб, Қирғизистон жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларини (Зардоли, Кўрғон, Ҳожи Очган, Янги Довон ва бошқаларни) назорат қилиб турибди.

Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жиноятчи тўдалар таркибида Қирғизистонга Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиб олган турли миллатга мансуб ёлланган шахслар: тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, покистонликлар, арablар, афғонлар жанг қилаётгани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шундай қилиб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қанча мансабдор шахсларининг (Тожикистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби З.Саидов, Қирғизистон мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи Н.Чомоев ва бошқаларнинг) Боткентда "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб аталмиш ташкилот жангарилари жанг қилаётгани, уларнинг асосий мақсади диверсия ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, вазиятни издан чиқаришдан иборат экани ҳақидаги баёнотлари ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Қирғизистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу фикрларга ёпишиб олиб, жамоатчиликка қирғизлар бошига ёпирилган барча "кулфат" мана шу "ўзбек муаммоси"дан келиб чиқмоқда, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, бугун шу нарса равшан бўлдики, бандитизмнинг миллати йўқ, жангарилар гуруҳларининг кейинги "байналмиллаллашуви" Тожикистонда ва Қирғизистон жанубида ҳалқаро терроризм марказининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, минтақанинг барча давлатлари ва МДҲнинг бошқа давлатларига жиддий ва бевосита хавф туғдиради. Мазкур стратегиянинг ғоявий йўлбошчиларида шундай фикр туғилдики, Қирғизистоннинг амалда муҳофазасиз, чегара ёки бошқа ҳарбий қисмлар томонидан қўриқланмаётган Ўш ва Жалолобод вилоятлари улар учун ўзларининг узоққа мўлжалланган режаларини осонгина амалга ошириш, энг аввало, диний экстремизм, терроризм ва наркобизнесни ёйиш учун ниҳоятда қулай база бўлиши мумкин.

Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг деярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг ғоявий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг кўламли, мувофиқлаштирилган "ҳужуми"дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўринадики, "Боткент муаммоси" сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари туғдираётган хавф-хатарга етарлича баҳо бермаган ҳамда жангаларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чоратадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангарларни йўқ қилиш борасида аниқ режа ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбарларидан мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига тажовуз қилган террорчилик ҳаракати туғдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг кўч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

И.Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — мухолифат қуролли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тугалланмаганидадир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуролли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини қўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуролсизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан холи жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуролли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча тақиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда туради, озиқ-овқат ва бошқа моддий заҳиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуролсизланириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршилигига учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуролли зиддиятнинг янги босқичини бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отрядлар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқарилмоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда.

Диверсион-террорчилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари "Толибон" ҳаракати билан ҳам мустаҳкам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуролли жиноий тўдалар ҳужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августида, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Ўш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа министри И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуролли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган ҳужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу - Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу - халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг: "Қўшнинг тинч—сен тинч", деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамларида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам Ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш - давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.

УНИ «ДОН КИХОТ» ДЕЙИШАДИ

(Боши 1-бетда)

бу автокорхона фаолиятига барча ҳавас қилади. Юртбошимиз алоҳида қуюниб таъкидлаган ташкилотчилик, ишбилармонлик ҳамда қатъиятли фазилатларини ўзида мужассамлаштирган Ҳусанбой Каримовни вилоят миқёсидаги вазифага олиб чиқди. У 1992 йилларда вилоят саноатсавдо концерни раисининг ўринбосари вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди. Вилоят миқёсида у саноат шохобчаларини барпо этишга, бу соҳани кенг ривожлантиришга ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшди. Сўнгра эса вилоят раҳбарларининг тавсиясига кўра Фарғона туманидаги «Гулруҳ» маҳаллий ҳиссадорлик жамиятига раис этиб тайинланди. Бу албатта бежиз эмасди. Нега деганда, бу ташкилот ҳар томонлама депсиниб, «чўкиб» қолганди.

Раҳбарга кўп нарса боғлиқ. Ҳусанбой Каримовнинг елиб-югуриб ишлаши, тўсиқ ва муаммоларни оқилона енгиб ўтиши эвазига ташкилот ишлари юришиб кетди. Жамоада тўхтаб қолган гилам, атлас, жемпер тўқиш цехлари ишга тушди. Ўн икки хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлди. Қисқа вақт ичида Водил ва Қорасув қишлоғида қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотадиган савдо шохобчалари очишга эришилди. Айниқса, Ёрдондаги мармар парчалари ишлаб чиқарадиган цех фаолияти кескин кучайтирилди. Исбот учун битта фактни айтадиган бўлсак, рентабеллилик 18 фоиздан 40 фоизга кўтарилди.

Ҳусанбой Каримов «юмшоқ кресло», мансаб кетидан қувишни ҳеч қачон ўйламади, у фақат халқ ташвиши, муаммолари билан яшашни афзал билди. Ундаги ана шу фазилатларни сезган Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмоса ишлов бериш корхоналари уюшмаси ўзларига вакил қилиб ишга олдилар. Бу жамоада ҳам у ўзини ҳар томонлама кўрсата билди. Шу жамоада бу инсон меҳнати қадрланиб, фахрийликка узатилди. Бироқ Ҳусанбой Каримов қайноқ меҳнат оғушини роҳат-фароғатдан устун кўрди. У вилоят газлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлади. Кейинроқ уни ҳамқишлоқлари яна ўз қишлоқларига қайтаришди. 1999 йил февраль ойидан Фарғона тумани қурилиш-таъмирлаш корхонаси бошлиғи вазифасида ишлай бошлади.

Очиқ айтиш керакки, бу корхона ҳар томонлама «ўтириб қолганди». Ҳусанбой Каримов жамоани оёққа турғиза олди. Энг аввало, «қизил империя» искажасида келган бу жамоада янгиланиш, уйғониш муҳитини юзага келтирди. Ҳусанбой Каримов жамоа ҳуқуқшуноси Назиржон Исҳоқов билан ҳамкорликда корхонани мустақил, эркин фаолият кўрсатадиган жамоага айлантиришди. Чунки бу жамоа илгари вилоят хўжаликлараро «Агроқурилиштаъмирлаш» бирлашмаси тасарруфида эди. Ваҳоланки, бирлашма бу корхонага моддий ёки материал томонидан ёрдам бермас, қўллаб-қувватламас, аксинча соф фойдадан икки ярим фоизга «шериклик» қилиб келарди. Бундан воз кечилди.

Қисқа вақт ичида идоранинг маъмурий биносини таъмирлаш, икки ярим минг гектардан иборат ҳудудни ободонлаштириш ишларига ташкилотнинг топган фойдаси ҳисобига салкам 1,5 миллион маблағ сарфланди. Натижада таниб бўлмас даражадаги манзара, шароит ва имкониятлар ҳосил қилинди. 4,5 миллион сўмлик қарз ўтган беш ой мобайнида узилиб, айни дамда корхона барқарор ривожланиш томон боряпти. Илгари йил бошида жамоада атиги 8-10 нафар ходим ишлаётган бўлса, бугунги кунда 70 дан зиёд қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири ойига ўртача 10-12 минг сўмдан маош олишаётир.

Корхона бошлиғига суянчиқ ва ҳамкор бўлиб қайғуриб ишлаётган ишчилар номини тилга олиб ўтишни истаймиз. Бош муҳандис Шерматжон Қорабоев, бош ҳисобчи Абдумуталиб Боймуродов, қурувчи ва ҳайдовчилардан Мамарузи Охунов, Мухторжон Шамсуддинов, Одилжон Сайдаҳмедов, Мўйдинжон Мирзаев, Тўлқинжон Миршоповлар ана шулар жумласидандир. Ташкилотда анча вақт тўхтаб қолган қоришма, ром-эшиклар ишлаб чиқариш ҳамда ёғоч тилиш цехлари фаолият кўрсата бошлагани ҳам янги раҳбарнинг жонсараклигидандир.

Жойи келганда яна битта фактни айтиб ўтайлик. Шоҳимардон фожеасини бартараф этишда бу жамоа Шоҳимардондаги икки қаватли меҳмонхона ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини биноларини юз фоиз таъмирдан чиқариб беришди. Биноларга шунчалик сайқал ва жило берилганидан кўпчилик хурсанд бўлди.

Ҳусанбой Каримовнинг яна бир фазилатини айтиб ўтмасак бўлмайди. Бу унинг қалам ва сўзга сиғинадиган журналист эканлиги. Яхши қалам соҳиби сифатида Ҳусанбой Каримовнинг қирққа яқин ҳикоя ва очерклари туман, вилоят ва республика матбуотида эълон қилинган. «Министрнинг омонати» деб номланган повести эса Фарғона вилоят газетасида олти ой мобайнида мунтазам чоп этилди, ҳамда кўпчиликка маъқул келгани чин ҳақиқат. Айни дамда ҳам Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси Ҳусанбой Каримов Фарғона тумани Журналистлар уюшмасининг раиси сифатида фаолият юритиб келяпти.

Хуллас, бу инсон ҳақида гапираверсак, ёзаверсак гап кўп. Ҳусанбой Каримов қаерда ва қайси лавозимда ишлаган бўлса, фақат ташаббус кўрсатиб янгиликка интилиб меҳнат қилди. Меҳнаткаш халқни ўйлади. Одамларга яхшилик қилди. Унинг камтарона меҳнатлари муносиб баҳоланган. Вилоят ва республика миқёсида олган 20 га яқин фахрий ёрлиқлари бунга ёрқин мисолдир.

Нома муқаддимасида айтганимиздек, Ҳусанбой Каримов ҳаёти ва ижоди ҳақида бежиз сўз юритмадик. Чунки бу инсон 60 ёшга тўляпти. Шу баҳона унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига бир кичик назар солдик, холос. Ҳа, фарғоналик «Дон Кихот»нинг 60 га кириб элюрт ичида олгани олтин бўлсин, Парвардигорнинг ўзи умрини узун этсин.

Собиржон ДАДАХЎЖАЕВ.

Касби туманидаги «Маймонок» хўжалиги аъзолари 473 гектар ерда боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштирадилар. Айни паллада маҳсулотларни йиғиб олиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) бригада бошлиғи Ш. Шамсиддинова ҳамда (пастда) бригада аъзоси Ш. Ражаббоев.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Яхши хабарлар

ШОЛИГА ЎРОҚ ТУШДИ

Музробот туманининг Амударё бўйларидаги хўжаликларида шолига ўроқ тушди. Бу йил уруғни эрта экиш ҳамда экинни юксак агротехника талаблари асосида парваришлаш туфайли ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳадемай, шолизорларга юзга яқин шоли ўриш агрегатлари олиб чиқилади. Шулардан ярмиси серунум «КЕЙС» комбайнларидир.

Музработликлар бу йил жами 14 минг 400 тонна шоли етиштириш, шундан 8 минг тоннасини давлатга топшириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири

УСТЮРТДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Йигирма биринчи аср бўсағасида фойдаланишга топширилаётган ва йилига 120 миллион АҚШ доллари ҳажмида халқ хўжалиги учун зарур маҳсулот тайёрлайдиган «Кўнғиротсода» заводи мажмуига қирувчи 200 дан кўпроқ иншоот бирин-кетин ишга туширилмоқда.

Куни кеча Устюрт бағрида қад кўтараётган бу улкан корхонанинг беш минг кишига мўлжалланган ишчилар шаҳарчасида 95 ўринли болалар боғчаси очилди. «Ороль-содакурилиши» бирлашмасининг қўли гул бинокорлари томонидан бунёд этилган боғчада завод қурувчилари фарзандларининг соғлом ва баркамол тарбияланиши учун барча шароит муҳайё қилинган.

Шунингдек, шаҳарчада аҳолини соғломлаштириш-профилактика маркази ҳам иш бошлади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш маскани малакали шифокорлар билан таъминланди. Шу мақсадда 50 миллион сўм маблағ сарфланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири

ҚЎЙНИНГ БАРАКАСИ ТУЁҒИДА...

(Боши 1-бетда)

юз-тўрт юз граммдан ем билан боқиш керак. Бизда фақат совлиқларга тўл ташлаш олдидан озгина-озгина ем берилади. У ҳам тўлдан сўнг тўхтатилади.

Айрим хўжаликларнинг чорва мутасаддилари ёзда «молларнинг қишлови учун шунча миқдорда ем-хашак тайёрладик», дея жар солишади. Аслида ўша емхашакнинг ярмидан кўпи сомонни ташкил этади. Сомон — энг кучсиз, таркибида ҳеч қандай ёғ ёки бошқа минераллар йўқ озуқа, уни қўй истеъмол қилмайди. Чет элларда чорвага умуман сомон бермайдилар.

Турсунбойнинг фикри мени ўйлатиб қўйди. Дарвоқе, аксари хўжаликларда сомон асосий озуқага айланиб қолган, уни еган мол албатта қишга бориб касалланади ёки нобуд бўлади. Шундай экан, қўй-эчкилар учун алоҳида яйловлар, айниқса, маданий яйловлар ташкил этиш фурсати етмадимикан? Бир вақтлар қорамоллар учун маданий яйловлар барпо этиш масаласи кўтарилган ва у жуда яхши самара берган эди. Агар ўша ҳол яна амалиётга киритилса айни муддао бўлармиди!?

— Арпа-бўғдой ўриб олингандан сўнг қўйларни бўғдойпояларга ёйиш одат тусига кириб қолган, — дейди «Оҳангарон» ширкат жамоасининг тажрибали бош чўпони Ашурали Фармонов. — Бу бир томондан яхши, тўкилган донни қўй жонивор топиб ейди, мол бироз семиради ҳам. Бироқ ўша буғдойпояларда турли қурт-қумурсқалар, зарарли қуртлар, ҳашаротлар ҳам кўп. Ана шу зарарли ҳашаротлар қишда қўйнинг ичини кемиради, бошқа сабаблари ҳам бор, қўйлар кеч кузда аксари зах ерларда боқилади, намли жойларда ётиб қолади, натижада ўпка ва бошқа ички аъзолари қаттиқ шамоллайди.

Чорвани бундай офатлардан сақлаш чоралари борми? — деб сўрайман.

— Чораси кўп, — дейди Собир Раҳимов номли ширкат жамоасининг бош чўпони Мирабдулла Қанаев. — Кузда қўйларни кролин дориси аралашмаси солинган махсус сувларда яхшилаб чўмилтириш керак. Бу дорининг хосияти шундаки, у нафақат қўйларга тери касаллигини, балки ички аъзоларидаги хасталикларни ҳам тезда тузатади. Янтоқда ҳам хислат кўп. Кузда ёки ёз ойларида яхшилаб ўриб,босиб қўйилса, бир ёмғирдан сўнг, ёки айни чиллаи гузаронда қўйларга едириб кўринг. Қўйнинг барча ички касалликлари, шу жумладан, жигар ва ўпкасидаги қуртлар ўлади, Янтоқда эфир мойи билан бирга жуда кучли каллорияга эга бўлган ёғлар бор. Нима учун янтоқ ўриш, янтоқдан қўйлар учун озуқа тайёрлаш йўлга қўйилмади ёки буткул унутилиб кетди?

Мирабдулланинг фикрида жон бор. Балки хўжаликлар мутасаддилари бу ҳақда ўйлаб кўришар. Лекин нима бўлганда ҳам, аввало чорвани тараққий эттириш учун кучли ем-хашак базасини яратиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили чорва учун мустаҳкам емхашак базасини яратган айрим хўжаликлар яхши натижаларни қўлга киритдилар. Масалан, «Ангрен» ширкат жамоасининг чўпонлари бу йил чорва бош сонини илгариги йилга нисбатан 780 бошга кўпайтирдилар, шу жумладан, совлиқлар сони эса 400 бошга кўпайди.

Ҳозиргача хўжалик чорваси учун минг тоннадан ортиқ беда сенажи, 1200 тонна пичан, ширали озуқалар жамғариб қўйилди. 120 тоннадан кўпроқ ғалла чиқиндиси, 38 тонна ғалла ва бошқа озуқалар чорвачилик отарларига етказиб берилган. Барча қўралар, кўтонлар, молхоналар ҳозир қишлов учун сифатли таъмирдан чиқарилмоқда.

Ҳа, чорва барокати яйловда. Яйловларимиз қанча кўп бўлса, соҳа ривожланаверади, ундан олинадиган маҳсулотлар сифати ошаверади. Менимча, тумандагина эмас, бутун чорвачиликдаги мутахассислар мана шу масалага ҳам бир эътибор берсалар чакки бўлмас эди.

Мўмин ҚАЮМ,
журналист.

«ИККИНЧИ ОЙЛИК»

(Боши 1-бетда)

бошлаган? Уни не-не хаёллар гирдобига олган?!

Мастлик — ростлик дейдилар. Ўша пайтда мен унинг «насиҳатомуз» сўзларидан кўзига қараб шуни уқдим. Унинг назарида ойликка қаноат қилиш — бориб турган телбалик. Қинғир йўл билан бўлса ҳам «даромад» қилиш керак. Унинг назарида ўқитувчилик, журналисту муҳандис, ишчи касби орқали бола-чақа боқаётганларга ачиниш билан қарайди. Улар давлатнинг «чўнтаги»га қўл солиб ёки одамлар ҳақидан ўмариб ялло қилиб яшай олмасликларига роса ачина бошлади.

Собиқ талаба, менинг дўстим, нега бунчалик «куйиниб» валдираётир? «Менинг куним ойликка қолган». Яна бир такрорлаб кўринг. Менинг куним ойликка қолган! Ойликка куни қолса, нимаси ёмон? Инсонни ҳалолидан, унга бошловчи манбалардан айирмасин, худо!

Хўш, жамиятда менинг қадрдон дўстим, мастликда дард ва алам билан айтган иккинчи ойлик «даромад» билан кимлар яшаётир? Ўйлаб қарасам бундайларга ўзим ҳам шоҳид бўлган эканман. Нима қилибди, дўстим ҳам бундай воқеага гувоҳ бўлган. Дардини эса ичиб келиб дўстига сўйлай қолганга, йўйдим...

Байрамдан сўнг Тошкентга қайтаётгандим. Автошоҳбекатда одам тирбанд эди. Йўловчи шунча кўпки, автобусга чиқиш тугул, юришнинг ўзи бир машаққат. Минг бир машаққат билан кассага яқинлашдим. Навбатим келиб, Тошкентга чипта сўрасам:

— Чипта йўқ. Тамом бўлди, дейишди.

— Нега йўқ? — дейишим биланоқ.

— «Следующий» деди (ҳамон ўрисча) чиптачи пинагини бузмай.

Ана энди, у ёққа югур, бу ёққа югурни кўрсангиз. Ахир, эртага ишга етиб бориш керак. Охири «таниш» топилди. У ички телефондан қўнғироқ қилди.

— Леночка, Тошкентга иккита чипта. — Таниш менга ўгирилиб сўради:

— Соат нечага бўлсин? Бири ҳозир жўнайди, иккинчиси ярим соатдан сўнг.

Тонгда йўлга чиққан эдим. Ҳали катта нонушта қилмагандим. Нимадир тамадди қилиб олиш ниятида ярим соат кейингисига дея қолдим.

Таниш яна Леночка билан боғланди-да жиддий оҳангда маслаҳат берди.

— Яхшиси ҳозиргисига ола қолинг, ярим соатдан кейингиси қолдирилиши мумкин. Йўловчи йўқ!

Ҳайратдан нима деярмни билмай оғзим очилиб қолди. Демак, бу ҳолатлар шубҳасиз дўстим тилга олган «иккинчи ойлик» ишқида юрган бир тўда нафс бандаларининг қилмиши эди. Шу кезда ўйладимки, дўстим ана шундай ҳолатга дуч келган. Маънан эзилган. Ичидаги дардини менга сочгани келган эди.

Биламан, дўстим, сен бундай «Леночка»лардан ҳазар қиласан. Иккинчи ойликни соф меҳнатинг, имкониятинг эвазига топишинг мумкин. Тўғри қилдинг. Менинг ҳам ҳайратимни қоғозга туширдинг.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМАНГ

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ЗАМИН ЯРАТИШГА ҲОЗИРДАН КИРИШИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўза навларини янгилаш ва жойлаштиришнинг 1999°2000 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида»ги Қарорида эртаги ғўза навлари чигитини уруғлик учун тайёрлашда суғурта жамғарма ташкил қилинмаса қайта экишда паст репродукцияли сифатсиз чигит экилади, деб таъкидланди.

Шу кунларда республикамиз пахтазорларида уруғлик пахта пишяпти. Яхши уруғлик чигит олиш учун ғўзага дастлабки икки поғонадаги кўсаклар тўкилиб кетмайдиган шароит яратиб беришимиз ва зараркунанда ҳамда ҳашаротлардан сақлашимиз лозим. Ҳал қилувчи шу дамларда ғўзани чанқатиб қўйишга ёки ошириб-тошириб суғоришга, ҳамда янги, фойдасиз гуллар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Чунки бундай кечки гуллар пастки кўсакларнинг озуқасига шерик бўлади.

Пахтакор хўжаликларга 2000 йил ҳосили учун серҳосил, навдор, касаллик ва зараркунандалардан тоза уруғлик чигит етказиб бериш масаласи Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида етакчи уруғшунослар, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари, элита уруғчилик хўжаликлари раҳбарлари, агрономлар, пахтани қайта ишлаш саноати ходимларининг семинар кенгашида муҳокама этилди.

Асосий вазифа шундан иборатки, уруғлик чигит тайёрлаш давлат буюртмасини бажариш ҳамда заҳира жамғармасини яратиш зарур. Жорий йилда республикамизда 400 минг гектар ерда чигити уруғлика мўлжалланган далалар апробация қилинади. Апробациянинг асосий хусусияти шуки, ғўзанинг навдорлигини таъминлашдир.

ТАВСИЯ

Республикамиз пахтазорларида районлашган, янги ва истиқболли ғўза навларининг чигити келаси йил учун уруғлика тайёрланади. Бу навлар маълум тупроқ-иқлим шароитида технологик ва морфологик белгилари билан бир-биридан фарқ қилади.

Ғўза навини тўғри танлаш ва уни парваришлашнинг агротехник хусусиятини инобатга олиш юқори ва барқарор ҳосил гаровидир.

Лекин апробация ишида қатнашаётган агрономларнинг ҳаммаси ҳам хўжаликда экилган ғўза навининг морфологик хусусиятини билади, деб бўлмайди. Шунинг учун нав муаллифлари иштирокида семинарлар ўтказиш лозим.

Турли тупроқ-иқлим минтақаларида экилган жами 21 та районлашган ғўза навлари ҳамда 1999 йили эксперимент янги ва истиқболли ғўза навлари — «Омад», «Армуғон», «Оққўрғон-2», «Оқдарё-6», «Фарғона-5» ғўза навлари, шунингдек, хорижий давлатлар селекциясига мансуб «Бели Извор», «Черпан», «Агаста», «Гедера-5», «Гедера-10» ва бошқа ғўза навларининг ривожланишига ҳам аҳамият берилади.

Уруғлика мўлжалланган пахтазорларнинг бу йилги ўзига хос хусусияти шуки, юқорида номи келтирилган ҳукумат қарорининг бир бандида тола чиқими кам бўлган ҳамда сифати паст «Қирғизистон-3», С-9070, Ан-Боёвут-2 ва «Фарғона-3» нави синтетик ғўза навлари майдонини камайтиришни кўзда тутиш керак. Айни вақтда районлашган серҳосил истиқболли «Оқдарё-5», «Оқдарё6», «Чимбой-4104», «Омад», «Хоразм-126», «Фарғона-5», «Армуғон», «Оққўрғон-2», «Термиз-31» синтетик ғўза навларининг майдонини кенгайтиришни кўзда тутиш керак. Навдорликни аниқлашдан ташқари, ҳосили паст, қуриб қолган туплар, бошқа навга мансуб ўсимликлар, вертициллез ва фузариоз, вилт ва гоммоз билан касалланган туплар юлиб олинади. Вертициллез-вилт билан 15 фоиздан ошиқ ғўзалар зарарланган бўлса, фузариоз-вилт билан 3 фоиз, гоммоз билан 10 фоиз, бир фоиз ҳосил элементларида гоммоз топилса, бундай далалардан уруғлик чигит олинмайди.

Бу ишга ўта масъулият билан ёндошиш лозим. Чигити уруғлика олинадиган пахтазорларни тайёрлашда уруғлик пахтанинг сифати чигитнинг сифатига боғлиқ бўлади. Элита уруғчилик хўжаликларининг раҳбарлари биринчи репродукциянинг навдорлигини таъминлашда нав тозалигини 99 фоизга етказишлари жоиз.

Мамлакатимиз хўжаликларида бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг биринчи галдаги вазифаси — 2000 йил ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш, апробация ўтказилган далалардан юқори сифатли уруғлик чигит жамғармасини тайёрлашдир.

Р. НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош илмий котиби.
Э. ШАРОПОВ,
пахтачилик бўлими бошлиғи.

(Боши 1-бетда)

Бироқ маҳаллий бюрократлар ваъдадан нарига ўтмай бу олижаноб тадбирларнинг бажарилишига тўсқинлик қилаяптилар.

Қишлоқдаги саккиз йиллик мактаб дарахтлар қуршовида эди. Ҳозир эса бу тошлоқ майдон ҳам чўл қиёфасини олди — сувсизликдан дарахтлар қуриди. Шу аҳволни кўриб турган ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш, экологик тозалик ҳақида тушунча бериш мумкинми.

ВАЪДА ЧАНҚОҚНИ ҚОНДИРМАЯПТИ

Хуллас, шунақа гаплар. Лекин биз умидимизни узганимиз йўқ. Мустақил ҳаётимизнинг тўққизинчи йилида, ниятимиз ижобат топади, деб ишонамиз.

Қишлоқ аҳли номидан:
МАМАНОВ Онда,
ЭРГАШЕВ Амир ,
ТОЖИБОЕВ Мамадиёр,
ОРИФЖОНОВ Абдурасул,
ҚЎШБОҚОВ Аноркул,
ҲАҚНАЗАРОВ Турдиҳол,
ОРИФЖОНОВА Зулайҳо.

ОНА ЗАМИН САҲОВАТИ

Ота-боболаримиз куз фаслини тўкинчилик фасли деб таърифлашади. Пишиқчиликка етказганига шукр, дея шукроналар қилишади, юртга тинчлик, элга фаровонлик тилашади.

Ҳа, олтин фаслнинг гашти ўзгача. Деҳқон ёз бўйи тер тўкиб қилган меҳнатининг ҳосилини кўради. Чарчоқларини унутади. Халққа ризқ-насиба етиштириб савоб олаётганидан беҳад шодланади.

Қибрайдаги «Байтқўрғон» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Собитжон ака Юсупов ҳар кунгидай бугун ҳам саҳардан даласига ошикди. Кўп ўтмай бригада деҳқонлари ҳам тетик руҳ билан етиб келишди.

— Яшанглар, — деди саркор салом-аликдан сўнг, — саҳарда бошланган ишнинг баракаси бошқача бўлади. Етилган ҳосилни қанча тез йиғиштириб олсак ўзимизга шунча яхши. Бу ёғи мош ҳам етилиб қолди...

Т. Шораимов бошлиқ оилавий пудратчилар эса ош лавлагидан мўл ҳосил етиштиришди. «Сабзавотда ҳиммат кўп, дейди пудратчи. Жумладан, ош лавлагининг ҳам инсон саломатлигини мустаҳкамлашда фойдаси катта. Қиш кунларида одамга қувват беради».

Дарҳақиқат, замини саховатли, деҳқони тадбиркор халқ фаровон яшайди. Шундай обод ва озод Ватанда яшаб, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишнинг ўзи улуғ бахт. Бунинг қадрига етишимиз керак.

СУРАТЛАРДА: (чапда) оилавий пудратчилар Т. Шораимов ва К. Шораимова. Уста деҳқон С. Юсупов (ўнгда) мош экини парвариши қандай бораётганини кўряпти.

В. ПОРТНОВ олган суратлар.

ЭЗГУЛИК

Хонадонларга табиий газ

Амударё туманида аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Куни кеча туман ҳудудига «Газли-Нукус» марказий трассасидан қарийб 20 километр узунликда газ қувури тортилди. «Урганчтрансгаз» бирлашмасининг махсус бўлинмалари унинг Амударё узра ўтувчи ғоят мураккаб қисмини белгиланган муддатда сифатли бажарди. Эндиликда дарёнинг чап соҳилидаги ўнлаб аҳоли яшаш пунктларига газ линияларини тортиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг натижасида аҳоли қишда «Зангори олов» билан кафолатли таъминланади.

(ЎзА).

МАРАЗ

Ставрополь ўлкасининг нўғайлар истиқомат қиладиган шарқий қисмида бундан бир неча йил бурун Доғистонда кузатилган ҳодисани эслатувчи жараён юз бермоқда. Бу ерда Чеченистондаги мусулмон оламининг ўта радикал ваҳобийлар оқимига мансуб жангарилар тайёрланаётган лагерларини битириб чиқаётганлар аста-секинлик билан йиғилмоқда.

Бугунги кунда Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар сони юзга яқин кишини ташкил этади. Махсус хизмат маълумотларига қараганда, нўғай милларига мансуб тахминан 50 нафар ваҳобий Басаев билан Хаттабнинг Доғистонга қилган босқинчилик юришида иштирок этган. Ставрополлик нўғайлар бунинг учун дастлаб Чеченистонга ўтиб, жангарилларнинг байналмилал отрядларига қўшилган. Ставрополь ўлкасида истиқомат қилаётган, исломнинг мазкур оқимига мансуб яна шунча киши ўз элатдошларининг етакчи гуруҳига қўшилишга ҳаракат қилган, аммо турли сабабларга кўра, ниятларига эриша олмаган. Жангарилар тўдасига қўшилганлар ҳам, қўшила олмаганлар ҳам ўз вақтида Чеченистон ҳудудидаги жангариларни тайёрлаш курсларида тайёргарликдан ўтган, Ставрополь ўлкасида эса қулай фурсатни кутиб, заҳирадагилар сифатида истиқомат қилган.

Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар Доғистондагига қараганда кам, албатта. Бироқ улар ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Улар қўлга киритган дастлабки «ютуқ» — нўғайлар истиқомат қилаётган йирик аҳоли пунктларидаги бир қанча масжид устидан назорат ўрнатиш бўлди. Уларни аньанавий ислом тарафдорлари, лекин ҳозир масжидларга бормай қўйган кекса кишилар мутлақо қизиқтирмайди. Улар ёшларни йўлдан оздириш билан банд.

Уларнинг кирдикорлари ҳам Доғистонда юз бераётган воқеаларни эслатади. Ставрополь ўлкасидаги ваҳобийлар ўрнашиб олган жойларда бундан бир ярим йил муқаддам Кавказдан русларни йўқотиш ҳақидаги талаблар баён этилган варақалар пайдо бўлган эди. Кейинчалик ўлканинг шарқий қисмидаги экстремистларнинг изи жангариларнинг Доғистоннинг Буйноқ шаҳридаги ҳарбий қисмига бўлган ҳужумида ҳам акс этди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ставрополь ўлкасидаги диний экстремистларнинг биронтаси ҳам ўз қилмишига яраша жазо олгани йўқ. Қидирув эълон қилинган жиноятчилар Чеченистон чегарасида жон сақлаб юрибди. Ўлкада ўтган йили миллий нафрат уйготишга даъват этувчи варақалар тарқатиш бўйича қўзғатилган учта жиноий иш на варақа муаллифларини ва на уни тарқатувчиларни топиш имконини берди.

Бу борада ўлка маъмуриятининг ҳаракатлари ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки ваҳобийлик қонун томонидан экстремистик оқим сифатида таъқиқлаб қўйилмаган. Бунинг устига, прокуратура ходимларининг фикрича, ҳатто Чеченистондаги жангарилар тайёрланадиган лагерларнинг битирувчилари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан, бунинг учун етарли юридик асос йўқ. Кимнинг қаерда, нимадан сабоқ олганини исботлашнинг иложи йўқ эмиш.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўлка ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи генерал-майор Николай Мамонтовнинг гапига қараганда, ҳозир Чеченистонда қўшни ҳудудларга қуролли юришлар қилиш вазифаси юклатилган нўғай жангариларидан иборат полк тузилмоқда. Генералнинг айтишича, мазкур полкда Ставрополь ўлкаси қишлоқларидан келган кўнгиллилар ҳам бор.

Николай ГРИТЧИН,
Ставрополь ўлкаси.

ЖАҲОНДАГИ БАРЧА ВАҲОБИЙЛАРНИНГ ТАКТИКА ВА СТРАТЕГИЯСИ БИР ХИЛ

Бундай жараёнлар Ставрополь ўлкасидагина эмас, бир қанча қўшни минтақаларда ҳам юз бермоқда. Мутахассислар Астраханда бир неча йилдан бўён ислом динини қабул қилган славян ва арманиларни ўз сафига фаоллик билан жалб этаётган имом Айюб раҳбарлигидаги ваҳобийлар тўдаси бемалол ва очиқдан-очиқ фаолият кўрсатиб келаётганини жуда катта хавф сифатида эътироф этмоқда. Жиҳод масаласида Айюбнинг тўдаси, ҳатто ваҳобийлардан ҳам ўтиб кетмоқда, бундан ташқари, у ваҳобийликни энг фаоллиги ва тарғиботчи экани билан ҳам фарқ қилади. Айюб бошқа ваҳобий имомлар сингари, бундан ўнлаб йиллар бурун Жазоирни исломийлаштириш жараёнида ишлаб чиқилган, у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам куйган каллакесарларни ўз тўдасига тортиш тактикасини қўллайди, тарғибот ишлари эса мусулмонлар истиқомат қиладиган жойларда, асосан қашшоқ ва хароб қишлоқларда олиб борилади. Оила бошлиғи ўз ўғлини ваҳобийлар мадрасасида ўқишга юбориши учун унга юз доллар берилса бас. Ташқаридан олинаётган садақалар эвазига кун кўраётган ваҳобийларнинг минтақавий марказлари маблағи ҳисобига масжидлар (Махачқалъа, Астрахан, Хасавюрт, Буйноқ, Майкоп ва бошқа шаҳарларда), мадрасалар ҳамда ёш толиблар (шогирдлар) ҳарбий тайёргарлик кўрадиган «Ёзги лагерлар» қурилмоқда. Ҳарбий тайёргарликнинг асосий базалари Чеченистонда. Албатта бу муаммонинг асосий сабаби — Чеченистон ҳудудининг федерал ҳокимият назоратига бўйсинмаётгани муаммосини кескин ечиш билангина ҳал қилинмаётганда. Айни пайтда жаҳонда тобора авж олаётган ислом фундаментализми сингари нохуш жараён Ғарбий Европада (асосан Францияда) маҳаллий араб ва турк аҳолисини «ваҳобийлаштириш»да Шимолий Кавказдаги усуллар қўлланилмоқда.

Евгений КРУТИКОВ.
(«Известия» газетасининг 1999 йил 4 сентябрь сонидан).

Ойнаи жаҳонда

13— 19 Сентябрь

ДУШАНБА, 13
ЎзТВ I

Телетомошабинлар, диққатингизга!
Профилактика муносабати билан душанба, 13 сентябрь «Ўзбекистон I» телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ -II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

16.00 «Куйлардан — қўшиқларга». Мусиқий дастур.
16.25 «Ҳозр ва обод юрт».
16.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири учрашувлари ва тантанали очилишидан репортаж.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг тантанали очилишидан репортаж ва кундалик.
23.00 Гёте. «Фауст». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Badiiy-публицистик кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 19-серия.
10.00, 12.00, 14.00, Янгиликлар.

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм.
10.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Вена почта маркази». Badiiy фильм.
12.05 «Етти камолга». Спорт дастури.
12.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Портрет».
12.30 Ватан тимсоллари.
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 Н. Норқобилов. «Кўйши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.
14.10 «Мехригиё».
14.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
15.00 «Оламга саёҳат».
15.20 «Келажак уфқлари».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 1-қисм.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.(«Қувнок учрашув», мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Рақурс».
19.55 «Дил розе». Мусиқий дастури.
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Абдулатиф Жоникулов».
20.50 «Каталог».
21.00 «Баҳс».
21.25 «Рақслар қанотида».
21.45 «Ўзбекжино» намойиш этади : «Наштар» Премьера.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканали.
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 16
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ер ва диёр васфи». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Ялпи тили.
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
10.45 Кундузги сеанс: «Вертикаль». Badiiy фильм.

«Умид» намойиш этади:

12.05 «Кичкинтой устахонаси».
12.30 «Чанқовқой ва Ковақбой». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

*

13.30 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
14.10 «Соғлиғи салом».
14.35 «Инсон ва замон». Телехурнал.
15.00 «Тўртинчи ҳокимият».
15.20 «Қуйла, ёшлигим».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 4-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнириндан репортаж.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Сила». Тележурнал.
18.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Санъат усталарининг концерти.
22.10 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот».
00.10 «Сомон йўли».
00.40 «Инсон қалби ҳақида қисса». Badiiy фильм. 2-серия.
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳзалар».
19.40 «Мезон».
19.55, 20.45, 23.05-Эълонлар.
20.00 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.15 «Садо—99» тақдим этади.
21.40 «Мутойиба».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.10 «Спорт дастури: 1. Футбол. Чемпионлар лигаси 2. «Спорт қиғасси».
01.10 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 17
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.15 «Мен тунилган тупроқ».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 21-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс: «Қумғатли бола». Badiiy фильм.
12.05 «Кувноклар даврасида».
12.30 «Кишлоқ ҳаёти».
12.55 «Кўшиқ, — маъновиёт кўзгуси».
13.25 С. Аҳмад. «Бувиламу» билан учрашув».
14.10 «Камолот сари».
14.35 «Шарқ тароналари».
14.55 «Сомон йўли».
15.25 «Овоз дамини даф этиб...».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 5-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнириндан репортаж.
18.10 «Бешбармоқ». Телехурнал.
18.30 «Юрт хавоси дўйо».
18.50 «Имконият».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Баркамол авлод орзуси».
21.35 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
21.55 «Унутмас менга Ватан». Badiiy-публицистик кўрсатув.
22.30 «Саньаткор саодати». С. Каримова, А. Дадаев.
23.05 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. «Пахтакор» (Ўзбекистон) — «Ирпиш» (Қозоғистон)
23.50 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:

00.20 «Юлдузингни бер, осмон». Badiiy фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Янгиликлар», «Келинг танишайлик», мультфильм)
18.40 «Ёшлар ва маъновият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Давлат ва шарт».
19.45, 20.35, 23.15- Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Истиқлол қайтаран номлар: Марғиғ Султонмуродова».
20.55 «Аср қиғасси».
21.10 «Саломат бўлинг», «Ёшлар наркоманиясга қарши».
21.50 «Наволарда зёв этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Автосалтанат».
23.00 Жаҳон эстрадаси.
23.20 Синема.
01.00 «Мунаввар тонг истаб!»

ШАНБА, 18
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳудоят сари».
9.40 «Телевизион миниатюралар театри».
10.15 «Замин қадри».
10.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».

«Умид» намойиш этади:

10.50 «Кўзгу».
11.15 «Мен билган, билмаган дунё».

*

11.40 Кундузги сеанс: «Дерсу Узала». Badiiy фильм. 1-серия.
12.50 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.35 «Теран томирлар».
14.55 «Самсон ва Салли». Болалар учун фильм.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Бўстон». Тележурнал.
16.25 Эстрада тароналари.
16.45 «Мехригиё».
17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг финал учрашувлари ва тантанали ёпилишидан репортаж.
19.00 «Муҳаббат дарси».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
19.25,19.55, 21.00, 21.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув ва концерт.
21.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилишидан репортаж.
22.50 «Саньатга бахшида умр». Г. Измайлова.
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.50 «Куй ва тасвир».
00.10 «Маддоҳор рух». Badiiy фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қўй ким? бу нима? мультфильм)
9.30 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус», «Спорт майдончаси», мультфильм)
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
11.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.45 «Марду-майдон».
12.05 «Лаззат».
12.25 «Рамазана». Телесериал.
13.00 «Цирк, цирк, цирк».
13.20 Болалар учун фильм. «Таня ва иккита мушкетёр».
14.30 «Мусиқий лаҳзалар».
14.40 «Синфдош».
15.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади: «Ер ҳақида ҳикоялар»: «Ўрмон қисмати».
15.30 «Мусиқа салтанати».
15.50 Синема.
17.30 «Бугуннинг боласи».
17.50 «Наволарда зёв этсам». Мусиқий дастур.

***

18.00 Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», мультфильм)
18.30 «Ватан мадҳи».
18.45 «Китоб жавонингизга».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30, 20.10, 23.20-Эълонлар.
19.35 «Рамазана». Телесериал.
20.15 «Дунёга йўл». Япония.
20.35 «Мусиқий лаҳзалар».
20.40 «Дунё ҳафта ичида».
21.00 «Очун». Мадаминбек. 2-қисм.
21.20 «Мусиқий лаҳзалар».
21.25 «Чироғи ёниқ уй».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Тақдиримдасан, қўшиқ». Илҳом Фармонов.
23.00 «Спорт ҳафтаномаси».
23.25 Синема. «Меркурий» хавф остида.
01.10 «Тонг юлдузи!»

нок учрашув», мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.45, 20.35, 23.25-Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «О, ёшлигим».
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.20 «Мусиқий лаҳзалар».
21.30 «Ҳудуд». Кўва туманн.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр» Ахборот дастури.
22.30 «Мунозабат».
22.50 «Олам футболи».
23.10 Шарҳ, эстрадаси.
23.30 «Инспектор Морз». Телесериал.
01.15 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 14
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Умрбоқий қўшиқлар».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Дарбадар автобус». Badiiy фильм.

«Умид» намойиш этади:

12.05 «Саньат ғунчалари».
12.30 «Шоирлар — болаларга».

*

13.00 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
13.20 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 Н. Раҳимов. «Очиқи сўз». Андижон вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 2-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнириндан репортаж.
18.10 «Кичкинтойлар — пиқинтойлар».
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Халқаро тинчлик кунига: «Тафаккур ва тақдир».
21.25 «Олам қўшиқа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Жиззах вилояти.
22.50 Гёте «Фауст». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.10 Экранда кинокомедия: «Сирли шарча».
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.35, 23.10 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Марду-майдон».
21.00 «Ҳамкорлик».
21.15 «Мусиқий лаҳзалар».
21.25 «02» тўлқинида.
21.40 «Бахтиёр Султонов қуйлайди».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мунисам».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
22.55 «Тилсим».
23.15 Синема. «Бокиралик асри».
01.25 «Янги тонг».

ЧОРШАНБА, 15
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чемпионлар».
9.05 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 20-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар».
10.35 Кундузги сеанс: «Ота меҳрини кўрмаганлар». Badiiy фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Бир қадам...».
12.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.05 «Талаб ва таклиф».
13.25 «Миссия уч мушкетёр». Badiiy кўрсатув.
14.10 «Зилол». Мусиқий дастур.
14.40 «Ибн Сино таълимоти».
15.00 «Мураббий». Спорт дастури.
15.20 «Рақслар гулдасти».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 3-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнириндан репортаж.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Озод юрт одамлари».
18.50 «Сеҳрли шуҳла». Кинюқўрсатув.
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Зарблар сеҳри». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 «Орзулар қанотида». Телебеллашув.
23.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Инсон қалби ҳақида қисса». Badiiy фильм.1-серия.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», «Болаларга маслаҳатлар»)
18.40 «Болалар дунёси».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Рақурс».
19.55 «Дил розе». Мусиқий дастур.
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Абдулатиф Жоникулов».
20.50 «Каталог».
21.00 «Баҳс».
21.25 «Рақслар қанотида».
21.45 «Ўзбекжино» намойиш этади : «Наштар» Премьера.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканали.
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.10 «

Шеърий лаҳзалар

КЎНГАУМ АЙТУР, СЕВГИ ДОМИГА АСИР ТАЙЁРАМАН

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон Халқ шоири.

МАСКАНИМ ФАРҒОНАДИР

Бу ватанда бир макон бор, мен учун бир донадир,
Кўҳна Туркистон садаф бўлса, у ер дурдонадир.
Ким парихона деб айтар, ким учун Парконадир,
Шеърият таърифида уйқудаги жононадир,
У менинг уйғоқ диёрим ўктаму мардонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Чин парилар маскани, Зуҳрою Тоҳирлар ери,
Олиму шоир, ҳунарманд, фазли нодирлар ери,
Кўп ажиб мўъжиза бунёдига қодирлар ери,
Кифтда тўн, белда қийиқ, марду баҳодирлар ери,
Мақтаниб юрдим жаҳонда, менга бу юрт онадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Кечмишинг хобимга кирса, сесканиб уйғонаман,
Сочи қирқилган момом фарёдидан тўлғонаман,
Шоиринг ёзмиш: «Шул айбим — мардуми Фарғонаман»,
Шукрларким, бу фироқ андуҳига бегонаман,
Эл аро фарғоналикман, деб ғурурим қонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Масканим Фарғонаю кўҳна Самарқанд ҳам маним,
Хоразм — фахрим, Наманган меҳриму жоним-таним.
Ёшлигим ардоқлаган Тошкент кўнгулдан севганим,
Андижон, Сурхон, Бухоро, ўз чўлим, ўз гулшаним,
Лек, десам Фарғона, дилда ўзга оташ ёнадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Мустақил тинчу омон юртим саодат ўлкаси,
Келмасин бошига ҳеч ранжу балолар кўлкаси,
Ризқи бут бўлсин унинг, ер кўрмасин ҳеч елкаси,
Янграсин оламда мен ҳурман деган озод саси,
Бу замин оби-ҳаёт бирла тўлуғ паймонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

БИЗ АНГЛАМАГАН ЖАҲОН ЭКАН ИШҚ

Ошиқлик иши ёмон экан-ку,
Ошиққа балойи жон экан-ку.

Ишқ ханда бўлиб кўнгилга киргач
Кўнгилда тўла фиғон экан-ку.

Васлида қувончи ошикоро,
Ҳижронда ғами ниҳон экан-ку.

Ишқ дарду азоби, ҳажри бир ён,
Рашк оташи бир томон экан-ку.

Аввалда жаҳон кўзингга гулшан,
Охирда ва лек хазон экан-ку.

Ишқ олами ўзга олам эркан,
Биз англамаган жаҳон экан-ку.

Кўнгилни бериб кўйибмиз осон,
Ер севмаганинг осон экан-ку.

Ҳар неки ёнар, замонки сўнгай,
Ишқ оташи безамон экан-ку.

Бор бўлсин омон у беомоним,
Дарди била жон омон экан-ку.

Боғландим ўз ихтиёрим ила,
Эркин бўлишим гумон экан-ку.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИ...

(Навоий ғазалига мухаммас)

Кўнглим айтур, севги домига асир тайёраман,
Дер кўзим, ҳижрон туни зор йиғламокдин қораман
Жон дегай, ўт ораман, тан айтадир, минг пораман,
То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин, бечораман.

Ул ҳазон фаслидаги саргашта бир япроқ манам,
Айрилибдурман чамандан, масканим дашти адам,
Изламанг ҳаргиз нишоним, топмагайсиз зарра ҳам,
Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топмасам,
Бўйлаким ишку жунун саҳросида оворамен.

Карбало даштида кўрган оҳулар бирлан мани,
Англади Мажнун билан бир жон мани, бир тан мани.
Ёнди жон, бир лайливашнинг дарди куйдирган мани,
Оҳ дуди ичра бир учкун каби кўрган мани
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёраман.

Қошларинг ҳижронида ёйдек эгилсам не ажаб,
Ғунча лаълинг ишқида бағримни тилсам не ажаб,
Шамъи ҳуснинг шавқида ўтга ёқилсам не ажаб,
Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам не ажаб.
Ишқ аро парвонаю булбулга мен ҳамкораман.

Хўблар васли ғанимат, хизматини айла хўб,
Нури дийданг шамъ этиб тут, қоматингни айла чўб,
Борида қадрига ет, кетганда тупроғини ўп,
Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъзим этма кўп,
Ит каби мен эргашиб ул карвонга бораман.

МАРДЛИК, ЯХШИЛИК, АҚЛ-ФАРОСАТ ҲАҚИДА

Искандар Зулқарнайннинг сарбозлари орасида Искандар исмли бир йигит бор экан. Бу йигит уруш вақтида ҳамиша қочар экан. Зулқарнайн унга шундай дебди:

— Ё ботир бўл, ё исмингни ўзгартир. Адашлигимиз одамларнинг бошини айлантириб қўймоқда.

* * *

Бир донишманд шундай деган экан:

— Пашша фақат ярага

Жума ўгитлари

қўнганидек, аҳмоқ ҳам фақат одамнинг нуқсонини кўради.

* * *

Бузургмеҳрдан сўрашибди:

— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?

— Камтарлик, — жавоб берибди у.

* * *

Бир донишманд:

— Нодонга яхшилик қилган одам ё чўчқанинг бўйнига маржон тақаётган, ё заҳарли илонни асал билан боқаётган гуноҳкордир, — деган экан.

* * *

Бир файласуф шундай дебди:

— Ақлли одам аҳмоқни тан олади, аммо аҳмоқ киши ақллини тан олмайди.

* * *

— Ит билан эшакни фарқлай билмаганлар от минади, — дебди бир шоир.

«Ҳикоят ва ривоятлар»дан олинди.

"ЎЗПАРРАНДАСАНОАТ"
АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ



ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ВА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ПАРРАНДАБОҚАРЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ ВА УЛАРГА УЗОҚ УМР, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ТИЛАЙДИ

Юртимизда олтин куз.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ САЛТАНАТ

Таҳририятимиз меҳмони Республика «Оила» илмий-амалий Маркази директори Ойниса Мусурмонова.

— Ойниса опа, «Беш» рақамини мазмунан қандай изоҳлайсиз?

— Ҳар бир инсоннинг «Беш» рақамини эшитиши билан руҳан ич-ичидан тўлқинланиб кетиши табиий ҳол. Бу рақам яхшилик, эзгулик, мустаҳкамлик, бирдамлик, ишлар аъло деган маънони англатади. Воқеликка мурожаат этсак, инсониятнинг беш қитъа бирдамлиги учун интилиши, беш қирали юлдузнинг ёғдуси, беш бармоқнинг мустаҳкам бирлиги заминида ҳар бир ишга қодир ягона қўлнинг вужудга келганлиги, инсон билими, аҳлоқи, қобилиятини юқори баҳолаш мезони айнан шу рақам билан белгиланиши ва ҳ. к.лар инсоннинг нима учун «Беш» рақамига ўзгача ҳиссиёт билан қарашига мисолдир.

Айниқса, биз аёллар, оналарда бу рақамни ҳар бир соат, ҳар бир сонияда такрор-такрор айтишга иштиёқ жуда кучли. Чунки, оиламиз, ўз ишимиз, фарзандларимиз, турмуш ўртоғимизнинг ишларини доимо аъло бўлишини истаймиз. Оиладаги барча ишларнинг аъло бўлиши ҳаётимиз мазмунидир.

— Дарҳақиқат, юртбошимиз ташаббуслари билан 1998 йилни «Оила», 1999 йилни эса «Аёллар йили» деб эътироф этилганлиги айни муддао бўлди. Республика «Оила» илмий-амалий Маркази ҳам шу муносабат билан ташкил этилди. Мазкур Марказ фаолияти ҳақида газеттхонларимизга қисқача маълумот берсангиз.

— Оила мамлакат аталмиш катта бир салтанат ичидаги мўъжаз ва муқаддас салтанатдир. Ушбу салтанатнинг тинч — тотувлиги, барқарорлиги, фаровонлиги, мустаҳкамлиги, ундаги соғлом турмуш тарзи давлатимизнинг ҳар томонлама гуллаб яшнаши учун мустаҳкам заминдир.

Шу боисдан ҳам бизнинг мамлакатимизда оила, оналик ва болалик мафаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу сиёсатнинг амалий наъмуналаридан бири ҳозирча биронта МҲД ларида йўқ Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилишидан мақсад мамлакатимизда оиланинг нафақат ижтимоий-иқтисодий манфаатлари давлат томонидан муҳофаза этилади, балки, оила масалалари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилади, таҳлил этилади, уни мустаҳкамлашнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилади, ҳаётга тадбиқ этилади.

Марказ давлат ташкилоти бўлиб, ҳозирги кунда қарийб барча вилоятларда унинг бўлимлари фаолият кўсатмоқда.

Марказимизда оила муаммоларини илмий ўрганиш, оилаларнинг ҳар томонлама мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида унга амалий-методик ёрдам бериш, ҳамда ҳукуматимизнинг оилани ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари мазмун ва моҳиятини тарғибот ва ташвиқот орқали ҳар бир оила аъзоси онгига сингиришдан иборат уч йўналишда иш олиб борилмоқда.

Марказ ташкил этилгандан буён оила демографияси, оила иқтисоди, оила маънавияти, оила ҳуқуқи, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила психологияси муаммолари юзасидан «Оила кутубхонаси» сериясида рисолалар, дастурлар, методик тавсиялар, мўъжаз буклетлар ишлаб чиқилди. Юзлаб радио, телевидение, семинар, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Турли ўнга яқин оила муаммолари бўйича республикамизнинг саккиз вилояти ва Тошкент шаҳрида 9000 дан ортиқ оилаларда социологик тадқиқотлар ўтказилди ва уларнинг илмий таҳлили асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бизнинг иш услубимиз мамлакатимизнинг энг четки ҳудудлари оилаларига якка тартибда кириб бориш, уларга ўзлари учун зарур мавзуларда мутахассис маслаҳатларини бериш, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир.

Мазкур ишларнинг барчаси жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла оқсоқоллар кенгашлари ва бошқа мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бажарилмоқда.

Марказимизда «Кадрлар» тайёрлаш бўйича Миллий дастурни бажариш борасида оилашунос психолог ва педагоглар тайёрлаш мақсадида аспирантура очилганлиги биз учун катта ютуқ бўлди.

Бизнинг ягона мақсадимиз ҳукуматимиз олиб бораётган оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини амалиётда бажариш орқали Шарқда муқаддас ҳисобланадиган оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга ўз улушимизни қўшишдан иборатдир.

— Сизнингча бугунги кун туб ўзгаришларга нисбатан ота-оналар ва фарзандлар қандай муносабатда бўлмоқлари лозим?

— Мен аввало бугунги ёшларга жуда-жуда ҳавасим келади. Уларнинг билим олишлари, меҳнат қилишлари, ўз қобилиятларини намойиш этишлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар шу пайтгача ҳатто хеч кимнинг ҳаёлидан ҳам ўтмаган бўлса керак. Ўзбек йигит — қизларини ривожланган мамлакатларга бориб, яна давлат маблағлари ҳисобига нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишлари сўз билан изоҳлаб бўлмайдиган бахт-ку. Биргина шу ўқув йилида 117 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янгидан қурилиши ва жаҳон талабларига мос шарқона услубда тўдан таъмирлаб ишга туширилиши эртакнинг ҳақиқатга айланиши ва мўъжизадан ўзга нарса эмас. Ушбу мўъжизани қадрлаш, аввайлаб асраш ота-оналарнинг ҳам, фарзандларнинг ҳам асосий бурчидир. Улар онгида ушбу халқ бойликлари фақат менинг фарзандим учун ёки фақат мен учун деган ўй ҳаёл эмас, балки булар менинг келажак авлод-аждодимники, миллатимники деган тушунча ҳукмронлик қилмоғи зарур.

Мамлакатимизда барпо этилаётган ҳар бир иншоотга миллий бойлик сифатида қарай оладиган ота-она ва фарзандгина миллий ғурур деган қадрият ҳукмрон бўлиши табиийдир.

— Ёшларнинг қулоғига, айниқса қизларимизга етказиб қўйиш керак бўлган гапингиз бўлса айтсангиз.

— Санъат турлари ичида шу вақтгача ижодкорлар томонидан эътироф этилмай келаётган ҳамма эгаллаши зарур бўлган оддий, айни чоғда буюк бир, яъни оила, уй-рўзғор юритиш санъати мавжуд. Менинг истагим ушбу санъатни қизларимиз ҳам, йигитларимиз ҳам қанчалик мукаммал ва пухта эгаллашса ўша оилада осойишталик, муҳаббат, яшаш ва яратиш завқи, ижодий ташаббускорлик ҳукм суради. Шу маконда маънавий ва жисмоний баркамол авлод камол топади.

— «Қишлоқ ҳаёти» муштарийларига тилагингиз.

— Ҳар бир хонада, ҳар бир оилада фаровонлик, тинчтотувлик, ўзаро меҳр-муҳаббат ҳукмрон бўлсин. Жамиятнинг тараққиёти мана шу мўъжаз салтанат пойдеворининг мустаҳкамлигига боғлиқ эканлигини ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истайман.

Мезбон Нилуфар МУҲАММЕДОВА.

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА КИРИШ УЧУН
1999 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ 8 ОЙЛИК КУНДУЗГИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аграр университетнинг пуллик тайёрлов курси Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили фанларидан тест синовлари орқали имтиҳон топширишга тайёрлайди.

Тингловчилар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар. Университетда овқатланиш, даволаниш, ўқиш ва дам олиш учун барча шароитлар мавжуд.

Ҳужжатлар 1999 йилнинг 30 сентябригача қабул қилинади.

Ўқиш 1999 йил 1 октябрдан бошланади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт.

1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта мактабни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси.
3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат.

Тайёрлов курсида ўқитиш университет илмий кенгашида тасдиқланган Низом асосида амалга оширилиб, машғулотлар университетнинг малакали профессор, ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент — 700140, ТошДАУ (19, 83, 96, 115, 129, 495, 491-автобуслар ва 15, 29, 49, 53 маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат Аграр университети» бекати).

Маълумот учун телефон: 63-75-07

Барча турдаги ташкилотлар эътиборига
"Кварц" Акциядорлик жамияти
қуйидаги маҳсулотларни сотади:

Ойна -қалинлиги 4 мм. дан 7 мм. гача; 130х160 см,160х200см. ўлчовида;
Пардозланган ойна - 4 мм. дан 7 мм. гача; 130х160 см. ўлчовида;
Шишалар - 0.25 л. дан 1 л. гача;
Банкалар - 0.25 л. дан 3 л. гача;
Ўтга чидамли ғиштлар - ШБ-5, ШБ-9, ШУС-3, ШУС-4;

Манзилгоҳимиз:
Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-А уй.
Телефон: 3-27-53, 3-21-73, 3-34-12 Факс: 3-38-23, 3-37-14
Арзон нарҳлар ва маҳсулотнинг сифатлилиги кафолатланади!

ҚЎҒИРЧОҚНИНГ БОЗОРИ ЧАККОН

Японияннинг «Бандай» фирмасида ишлаб чиқарилган «Тамагучи» янги электрон ўйинчоғи жуда машҳур бўлиб кетди. Суюқ кристалли экранга эга ушбу тухумсимон тақинчоқнинг экранида машҳур мультфильмлар қаҳрамонлари бўлган қизиқарли «жонивор»лар «яшайди». Ҳар хил тугмачаларни босиб, уларни вақти-вақти билан «овқатлантириш», «дала айлантириш», «силаб-сийпаш» мумкин. Электрон «ҳайвонча»ларнинг «саломатлиги ва узоқ яшаши» эгасининг астойдил саъй-ҳаракати ва ғамхўрлигига боғлиқ. «Тамагучи» Япония фирмаси маҳсулоти бўлишига қарамай, ишчи кучи арзон бўлган Хитойда ишлаб чиқарилади.

Ҳозирда «Бандай» фирмаси рақобатдоши бўлган Американинг йирик «Маттел» фирмаси билан қўғирчоқлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйи-

АЖАБО!

ча ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда. Келишувга асосан, «Бандай» шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб «Маттел» компанияси маҳсулоти бўлган Барби қўғирчоғи ва ўйинчоқ машиналарни Япония бозорида сотишга киришади. Шунингдек, «Маттел», «Бандай» қўғирчоқларини Лотин Америкаси бозорларида сотишни ҳам йўлга қўяди. Ҳар икки компания вакилларининг айтишича, рақобатдошлар бирлашдилар.

— Биз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш борасида яқин шериклармиз, — дейди «Маттел» қўғирчоқ компаниясининг президенти Нед Мансур Рейтер ахборот агентлиги мухбири билан мулоқотда.

Айни чоғда, «Маттел» Япониядаги йиллик савдо-сотиғининг ҳажмини 2001—2002 йилларда 10 млрд. йенга етказишни мўлжалламоқда. «Бандай»нинг Лотин Америкасидаги савдо қўлами эса ҳудди шу муддатда 5 млрд. йенга етиши кутиляпти.

«Туркистон-пресс»

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида жойлашган «Мухлиса-А» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

* * *

Утерянное свидетельство о включении хозяйствующего субъекта в государственной регистр предприятий и организаций выданное ХРСУ при КЭУ Мирабадского района № 013622 от 24.07.95 г. органами статистики считать не действительным.

* * *

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «AZIZ-R.Z.T.» хусусий фирмасига 1997 йил июль ойида берилган думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 42-мактаб томонидан Раҳимов Фарҳод Абдуманнопович номига 9-синфни битирганлиги ҳақида берилган 326650-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хўжалик раҳбарлари, фермерлар диққатига!
"Охангароншифер" ҳиссадорлик жамияти
2 та "ХС-1.8" русумли пахта териш машинасини

Сотади
ёки фойдаланиш учун
ижарага беради

Манзилгоҳимиз:
Охангарон шаҳар, саноат зонаси, телефон: 5-14-66, 5-17-04, 5-64-58.

Тошкент туманидаги «Ал Маъруф» фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

* * *

Тошкент туманида яшовчи хусусий тадбиркор Қодиров Санжарнинг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

«Ўзагрокимётаъминот» республика давлат-акционерлик бирлашмаси жамоаси «Агрокимётаҳлил» аудиторлик фирмаси директори И. Қозоқова акаси **Раҳматулла МАВЛОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г—0716, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.30 1 2 3 3 4 6.